



O'zbekiston, Toshkent shahar, 100017, Mustaqillik maydoni, 5
Tel.: (99871) 239-13-10, faks: 239-16-30, web-site: www.uzedu.uz, e-mail: info@mno.uz

«13» *май* 2011 у.

101 -sonli

Б У Й Р У Қ

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг ёзги дам олиш ва соғломлаштириш ишларини ташкил этиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таълим-тарбия бериш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи давлат ва жамиятнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Бугунги кунда Республикада 25 та Меҳрибонлик уйлари ва 2 та Болалар шаҳарчаларида жами 2724 нафар болалар тарбияланмоқдалар.

Мазкур Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг ёзги мавсум давомида бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, соғломлаштириш ва дам олишларини юқори савияда ташкил этиш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги “Меҳрибонлик” соғломлаштириш оромгоҳида Республика Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ёзги дам олдириш жадвали 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (У.Дауланов) вилоятлардан келадиган тарбияланувчиларни “Меҳрибонлик” соғломлаштириш оромгоҳига олиб бориш ва оромгоҳдан Тошкент шаҳрига олиб келиш учун 2-иловада белгиланган сарф-харажатлар сметаси асосида маблағ ажратсин.

3. Маънавий-ахлоқий тарбия (Х.Даминов), Болалар спортини ривожлантириш (Ў.Рашидов) бошқармалари:

Республика “Меҳрибонлик” соғломлаштириш оромгоҳида маънавий-маърифий тадбирлар, спорт секциялари ва қизиқишларига оид тўғараклар ташкил этилишини таъминлаш;

“Меҳрибонлик” соғломлаштириш оромгоҳини етарли миқдорда спорт анжомлари билан таъминлаш, спорт мусобақаларини ўтказиш ва ғолибларни тақдирлаш чораларини кўрсин.

4. Республика болалар (Д.Ўролов) ва Республика илмий-педагогика (Д.Ғаниева) кутубхоналари:

мавсум давомида “Меҳрибонлик” соғломлаштириш оромгоҳида кутубхона фаолиятини ўрнатилган тартибда ташкил этиш;

оромгоҳ кутубхонасини бадиий ва болалар адабиётига оид китоблар билан таъминлашни ташкил этсин.

5. Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази (Ш.Бердиева)га:

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини Тошкент шаҳрига келиб-кетишда турар жой билан таъминлаш;

“Меҳрибонлик” соғломлаштириш оромгоҳига Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларни олиб бориш ва олиб келиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш вазифалари юклатилсин.

6. “Меҳрибонлик” соғломлаштириш оромгоҳи (И.Нурматов)га:

“Меҳрибонлик” соғломлаштириш оромгоҳини ёзги мавсумга талаб даражасида тайёрлаш;

мавсумни мазмунли ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

оромгоҳ ётоқхоналари, ошхона, кутубхона ва спорт майдонларини зарурий жиҳозлар билан таъминлаш;

оромгоҳ ва оромгоҳ ташқарисида ўтказилаётган тадбирларда болалар ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш;

оромгоҳ тарбияланувчиларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш ва СанПиН меъёрларига амал қилиш;

ҳарбий-спорт йўналишдаги гуруҳ тарбияланувчилари учун шарт-шароитлар яратиш;

оромгоҳ ҳар бир навбатининг очилиш ва ёпилиш маросимларини тантанали равишда ташкил этиш;

оромгоҳга тарбиячи ва тарбияланувчиларни рўйхат ва уларнинг саломатлиги ҳақидаги ҳужжатлари асосида ўрнатилган тартибда қабул қилиш вазифалари юклатилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига:

“Меҳрибонлик” соғломлаштириш оромгоҳига белгиланган режа асосида ўз ҳудудларидаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ҳамда уларга раҳбар сифатида ташкилотчи, жамоат ишларини ташкил қилишда тажрибали педагогларни белгиланган муддатларда, уларнинг хавфсизлигини таъминлаган ҳолда Тошкент шаҳрига олиб келиш ва олиб кетишни 1-иловадаги жадвалга мувофиқ ташкил этиш;

Жойлардаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг ёзги дам олиш оромгоҳларига тўлиқ жалб этишга алоҳида эътибор қаратиш вазифалари юклатилсин.

8. Ахборот хизмати (Ж.Мусаев) “Меҳрибонлик” соғломлаштириш оромгоҳи ҳамда жойлардаги тадбирларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритишни таъминласин.

9. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Холбеков зиммасига юклатилсин.

Вазир



A. Marahimov
А.Марахимов

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги “Меҳрибонлик” соғломлаштириш
оромгоҳида Республика Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ёзги дам
олдириш жадвали

№	Худудлар	Манзили ва Меҳрибонлик уйининг рақами	I мавсум (10.06- 29.06)	II мавсум (29.06- 18.07)	III мавсум (18.07- 06.08)	IV мавсум (06.08- 25.08)
1	Андижон вилояти	Андижон шаҳридаги Болалар шаҳарчаси			30	30
2	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри, 32-сонли			30	30
3	Навоий вилояти	Навоий шаҳри, 1-сонли	25	25		
4		Зарафшон шаҳри, «Шодлик»	25	25		
5	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри, 6-сонли	25	25		
6		Самарқанд шаҳри, 11-сонли	25	25		
7	Сирдарё вилояти	Гулистон шаҳри, Болалар шаҳарчаси			40	40
8	Тошкент шаҳри	Юнусобод тумани, 21-сонли	37 (22-15)	37 (10-27)	40	40
9		Чилонзор тумани, 22-сонли	53 (23-30)	43 (13-30)	30	20
10		Чилонзор тумани, 23-сонли	30	30	30	30
11		С.Рахимов тумани, 24-сонли			30	30
12	Тошкент вилояти	Бўка тумани, 15-сонли			30	40
13		Чирчиқ шаҳри, 14-сонли	40	30 (12-18)		
14	Хоразм вилояти	Хива шаҳри, 20-сонли		20		
Ж А М И:			260	260	260	260

Изоҳ: Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида қавсга олинган рақамларнинг биринчиси харбий спорт йўналишидаги гуруҳ тарбияланувчиси сонини англатади.

Вилоятлардан келадиган тарбияланувчиларни “Меҳрибонлик”
соғломлаштириш оромгоҳига олиб бориш ва оромгоҳдан Тошкент шаҳрига
олиб келиш сарф-харажатлари сметаси

Олиб бориш ва олиб келиш санаси: 1 - навбат: 10 июнь, 29 июнь,
2 - навбат: 29 июнь, 18 июль,
3 - навбат: 18 июль, 6 август,
4 - навбат: 6 август ва 25 август.

Болаларнинг дам олиш жойи: Бўстонлик тумани, Қизил сув қишлоғи,
«Меҳрибонлик» соғломлаштириш оромгоҳи.

Транспортларнинг йўналиши: Тошкент шаҳри - «Меҳрибонлик» оромгоҳи -
Тошкент шаҳри.

Харажатлар:

№	Кун	Автобусларнинг сони	Автобусларни жалб этиш муддати	Бир соатга белгиланган пул миқдори	1 км ортиқча масофа учун	Маблағ (сўм)
1	2011 йил 10 июнь	5 та	8 соат	30 000	1 950	2 340 000
2	2011 йил 29 июнь	1 та	8 соат	30 000	1 950	468 000
3	2011 йил 18 июль	4 та	8 соат	30 000	1 950	1 872 000
4	2011 йил 6 август	1 та	8 соат	30 000	1 950	468 000
5	2011 йил 25 август	6 та	8 соат	30 000	1 950	2 808 000
	ЖАМИ:	17 та				7 956 000

Етти миллион тўққиз юз эллик олти минг сўм.

Маънавий-ахлоқий тарбия
бошқармаси бошлиғи



Х.ДАМИНОВ

Молиялаштириш, бухгалтерия
ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи



У.ДАУЛАНОВ